

7 -сонли ШАРТНОМА  
(Транспорт воситаларини таъмирлашга)

2022 йил “01” 02

Наманган шаҳри

“Namangan-Avtosavdo” МЧЖ (кейинги ўринларда “Хизмат кўрсатувчи” деб юритилади) номидан Наманган шаҳар ҳокимлиги томонидан берилган 0268-сонли гувоҳнома асосида иш олиб борувчи бошлиқ Р.Ахмаджонов бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат давлат инспекцияси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида иш олиб борувчи А. Моткерилов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 “Хизмат кўрсатувчи” автотранспорт воситаларини сифатли таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, керакли эҳтиёт қисмларни ўрнатиш ҳамда сифатли хизмат кўрсатади, “Буюртмачи” эса кўрсатилган хизмат учун тўловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбурятини оладилар.

### II. ШАРТНОМА НАРХИ

Т/р	Эҳтиёт қисмлар номлари	Ўлчов бирлиги	Бир ўлчов бирлиги ва нархи (сўм)	Бир марталик		Йил охиригача		Умумий суммаси
				миқ-дори (дона)	нархи (сўм)	миқ-дори (дона)	нархи (сўм)	
1	Мой (AISIN) 5W30 3.75л	Дона	330 000	1	330 000	1	330 000	330 000
2	Мой фильтри	Дона	23 000	1	23 000	1	23 000	23 000
3	Бензин фильтри	Дона	10 000	1	10 000	1	10 000	10 000
4	Хаво фильтри	Дона	40 000	1	40 000	1	40 000	40 000
5	Хизмат ҳаққи		38 000		38 000		38 000	38 000
	Жами туловга				441 000		441 000	441 000

“Нексия-3” русумли давлат рақами 01/501 DAV автоуловига бир йил давомида хизмат кўрсатиш бўйича шартноманинг умумий суммаси: 575 000 (Беш юз етмиш беш минг сўм) сўмни ташкил этади.

### III. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1 “Буюртмачи” хизмат учун олдиндан, ўрнатиб берилган эҳтиёт қисм ва кўрсатиладиган хизматнинг 15 фоизи миқдорида, қолган 85% миқдоридаги маблағни бажарилган ишлар бўйича тақдим этилган счё-фактурага асосан пул маблағини кўчириш йўли билан тўловни амалга оширади.

### IV. ХИЗМАТЛАРНИ БАЖАРИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1 “Хизмат кўрсатувчи” хизматнинг 15 фоизи миқдоридаги суммани олгандан сўнг 5 кун муддат ичида “Буюртмачи”га автомобилни таъмирлаш ишларини бажариб бериш шарт.

## V. ХИЗМАТЛАР СИФАТИ

5.1. Ўрнатилаётган эҳтиёт қисм ёки кўрсатилаётган хизмат сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификат), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва “Буюртмачи”нинг талабларига мос келиши шарт.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 6.1. “Хизмат кўрсатувчи”нинг мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида “Буюртмачи”га сифатли хизмат кўрсатиш;

- Шартноманинг шартлари “Буюртмачи” томонидан бузилганда ўрнатилган эҳтиёт қисмларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли эҳтиёт қисмлар ўрнатилмаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган эҳтиёт қисмни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган эҳтиёт қисмни ва кўрсатилган хизмат баҳосини қайтариб бериш;

- “Хизмат кўрсатувчи” ўрнатилган эҳтиёт қисмларни ҳисоб-варақаларда тўлиқ ва аниқ номини, эҳтиёт қисм турини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақаларини белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларни расмийлаштириш лозим.

### 6.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

- “Буюртмачи” шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, ўрнатилган эҳтиёт қисмларни ва кўрсатилган хизматларни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган эҳтиёт қисм ёки кўрсатилган хизмат аниқлангандан сўнг, ушбу тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 кун ичида “Хизмат кўрсатувчи”ни огоҳлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда эҳтиёт қисмнинг сифати, тури ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. “Хизмат кўрсатувчи” томонидан “Буюртмачи”га эҳтиёт қисм ва хизматларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун ўрнатилган эҳтиёт қисм ва кўрсатилган хизмат қийматининг 0.5% миқдорида “Буюртмачи”га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган хизмат қийматининг 50%дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги эҳтиёт қисмлар ўрнатилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу хизмат қийматининг 20% миқдорида жарима тўлашига сабаб бўлади.

7.4. “Буюртмачи” томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдорида “Хизмат кўрсатувчи”га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида ўрнатилган эҳтиёт қисмлар ёки кўрсатилган хизматлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ “Хизмат кўрсатувчи” томонидан қопланади.

### VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи бир тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органлари актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартномани ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

### IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо хўжалик суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Молия вазирлигининг Газначилиги томонидан рўйхатга олингандан сўнг юридик кучга эгадир. Шартнома икки нусхада тузилиб, ҳар бир нусхаси бир хил юридик кучга эга. Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

### X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

**Хизмат кўрстувчи:**

“Namangan avtosavdo” МЧЖ  
Наманган ш. И.Каримов кўчаси  
Х/Р 20 208 000 604 431 846 001  
АТ Асака банки Наманган фил.  
ИНН: 205 802 298  
МФО: 00231  
ОКОНХ: 71500

**Буюртмачи:**

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROTLASHTIRISH  
VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR SOHASIDA  
NAZORAT BO'YICHA DAVLAT INSPEKSIYASI  
100128, Toshkent shahar, Shayxontohur tumani,  
Labzak ko'chasi, 136-uy. Tel/faks: 71 202-69-80  
Sh/h: 4010 1086 0262 7770 4610 2078 001  
STIR: 200 540 684 IFUT: 84119  
O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G'aznachiligi  
H/v: 2340 2000 3001 0000 1010  
Toshkent sh. Markaziy bank HKKM MFO: 00014 STIR: 201 122 919



Р. Ахмаджанов



юртб.: Ш.Пирманов

Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар  
соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясига тегишли хизмат  
автомашинаси ҳолатини ўрганиб чиқиб  
**НОСОЗЛИКНИ АНИКЛАШ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Наманган шаҳар.

25.01.2022 йил

**01 / 501 DAV Нексия-3** автомашинаси мой ва филтрларини 1 марта  
алмаштириш учун.

Т.Р	Маҳсулот (иш хизмат)лар номи	Ўлчов бирлик	Сони	Бажариладиган ишлар
1	Мой	шт	1	Алмаштириш лозим
2	Мой филтри	шт	1	Алмаштириш лозим
3	Бензин филтри	шт	1	Алмаштириш лозим
4	Ҳаво филтри	шт	1	Алмаштириш лозим

“Namangan avtosavdo” МЧЖ  
раҳбари

Р.Ахмаджанов

“Namangan avtosavdo” МЧЖ  
мутахассиси

Наманган вилояти ҳудудий  
инспекцияси бошлиғи

А. Хасанов

Хайдовчи

Ж. Каримов